



Халқ селекционери Сайиддин Фахриддинов лимон, мандарин, апельсиннинг серхосил навларини яратиш борисида факат Ўзбекистонда эмас, балки кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонган. Унинг ишларини бугунги кунда фарзанди — Мухаммадазиз Фахриддинов давом этириб, иссиқоналарда тупрок унумдорлигини ошириш, турли хашаротларга қарши самарали курашиш йўлида ижодий изланаяпти. Шунингдек, цитрус мева ўстирувчиларга кўчатлар етказиб бераётганлиги, бир түп ўсимликда лимон, мандарин ва апельсин етиштириш соҳасида тажриба ўтказётганлиги ҳам эътиборга молик.

СУРАТДА: Мухаммадазиз Фахриддинов ўғли Мухаммадали билан.

Олқиш олган алоқачилар

Йил охирида, янги йилга қадам қўйилганидан сўнг ҳар ким одатда, ўтган вақт давомида қилинган ишларга бир назар ташлайди.

Амалга оширган юмушлар, ютуқлар, муваффақиятлар тахлил қилиниб, мақсадни қўзғовчи аниқ режалар тўзилади. Айниқса, у харбий бўлса, ўзининг олий мақсади сари шарафли касбини хурмат қилган ҳолда келажакдаги режаларини ўз олдига қатъий қўяди. Чунки у ушбу бурчни касб, деб билган. Бугун харбий қисмларимизда бундай аскарлар талайгина. Зеро, уларнинг мақсади ҳам битта — юрт фаровонлиги, Ватан тинчлигини сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш.

Айтиш жоизки, Мудофаа вазирлиги томонидан ҳар йили ана шундай олий ниятли аскарларимиз рағбатлантирилади. Натижада уларнинг хизматлари безътибор қолмаппти. Ўтган 2003-2004 ўқув йилида ҳам харбий қисм ва муассасаларнинг жанговар тайёргарлиги ва қўшинлар хизмати натижалари тахлил қилинди. Ўзига хос мусобақа тусини олган аънавий тарзда ўтказиш келинаётган ушбу тadbирда голиблар ҳам аниқланди. Жанговар «Фронт орти» ва техник таъминоти қисмлари орасидан голиб бўлган аскарларимиз бугун биз ҳисора қилаётган харбий қисм хизматчиларидир.

■ Нишон туманида янги қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди.

■ Тўртқўл туманида Ўзбекистон Республикаси моҳом ашб биржасининг туманлараро савдо маркази иш бошлади.

■ Қарши шаҳридаги Сайид Насафий номи виллоят кутубхонасида Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган «Насаф - асрлар силсиласида» мавзuida кўргазма очилди.

Машқларда тобланган

Катта лейтенант Юсуп Саломовга нисбатан сарлаҳдадаги таърифни бемалол қўлаши-



миз мумкин. Чунки, илғор офицер қўл остидаги бир гуруҳ аскарлар билан бирга тоғ шароитларида ўтказиладиган

ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН

дала-ўқув машғулотида иштирок этиб, қўмондонлик оқшисларига сазовор бўлган. Умуман олганда, мазкур бўлимининг жанговар шайлиги айнан шундай амалий машғулотларда синовдан ўтказиладиган ҳудудга етиб келиб, сифатли радиоалоқани ўрнатилган ва эфирдаги сўзлашувлар бўйича мунтазам ҳисоботлар бериб турса, демак вазифа бажарилди. Аммо, айтишга осон, амалда қўйилмаган муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Ана шу муаммоларни бартараф этишда командир ўз маҳоратини кўрсатиши шарт.

Капитан Шавкат Худойкулов ўзининг ўринбосарини хизмат сафарига жўнатаётганда, Юсуповда ана шундай командирлик қобилиятлари етарли даражада шаклланишига ишонч

Офицернинг шаклланиши

Мазкур қисм жамоаси кўлга қиритган ғалабасининг биринчи омилини мусобақадан изласак, иккинчисини эса

ёш офицерлар билан ишладан толамиз. Қўролли Қўчларимиз келажак бўлими ёш офицерларни яхши қўтиб олиб, касбий маҳорати шаклланишига катта эътибор қаратиш бу ерда аънавага айланган.

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетини ўтган йили муваффақиятли томонлаган лейтенант Акмалжон Юсупов мисолида фикримиз исботини топади. Билим юртини битириб, биринчи хизмат жойига келган йигит харбий жамоа илик қаршилаганини мамнуният билан эслайди.

Хизмат бошлиғи ўринбосари лавозимига тайинланган ёш офицер интилувчанлиги ва шахсий таркибини бошқаришда ташаббускорлиги боис тез орада қисм қўмондонлиги эътиборини қозонди. Унинг фикрига кўра, ушбу муваффақият замирида билим юрти устозларининг меҳнати бекиёсдир. Шу билан бирга янги харбий жамоадаги хизматдошлари капитан Тоҳир Эргашев ва хизмат бошлиғи катта лейтенант Раҳман Исломовларнинг ҳиссалари салмоқли бўлди. Уларнинг ёш ҳамкасбидан ёрдамчини аямасдан, касбий маҳоратини оширишга кўмаклашганини Акмалжон алоҳида таъкидлайди.

Натижа эса қувонарли бўлди: лейтенант А.Юсупов хизмат бошлиғи лавозимига муносиб кўрилди. Умуман олганда унга ҳушсанг пойқада кил кутул ёш офицерлар илғор қисмида қўллаб топилади. Чунки, харбий хизматчиларнинг мутахассис сифатида улғайишига катта эътибор қаратилган экан, демак, умидли ёшлар ўзларини албатта кўрсатишади.

Аблай КАМОЛОВ, майор.

Дастлабки натижалар эълон қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича 2005 йил 9 январдаги такрорий овоз бериш натижаларига кўра, такрорий овоз бериш ўтказилган 58 сайлов округининг барчасидан депутатлар сайланди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз беришнинг дастлабки натижаларига бағишланган матбуот конференциясида шу ҳақда маълум қилди.

Таъкидланганидек, барча тегишли сайлов округларида рўйхатга олинган 6 миллион 800 мингдан зиёд сайловчилардан овоз беришда 5 миллион 400 минг нафардан ортиғи иштирок этди. Бу ушбу округларда рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг

қарийб 80 фоизини ташкил этади.

Овоз беришда Тошкент шаҳридаги олтинта округда сайловчиларнинг 71,2 фоизи, Андижон вилоятидаги олтинта округда - 82,9 фоизи, Бухоро вилоятидаги бир округда - 82,4 фоизи, Жиззах вилоятидаги бир округда - 80,9 фоизи, Навоий вилоятидаги учта округда - 76,6 фоизи, Наманган вилоятидаги тўртта округда - 84,6 фоизи, Самарқанд вилоятидаги еттита округда - 79,7 фоизи, Сирдарё вилоятидаги иккита округда - 81,4 фоизи, Сурхондарё вилоятидаги олтинта округда 77,2 фоизи, Тошкент вилоятидаги еттита округда - 74,1

фоизи, Фарғона вилоятидаги тўққизта округда - 82,1 фоизи, Қашқадарё вилоятидаги учта округда - 82,5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасидаги учта округда - 83,2 фоизи қатнашди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда такрорий овоз бериш ҳамма ерда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ўтганлигини қайд этди. Сайлов қонунчилиги бузилиши ҳақида муҳожаат, шикоят ва аризалар тушмади. Фуқароларнинг сайлов масалалари юзасидан муҳожаатларига ўз вақтида тушунтириш бериб берилди.

Такрорий овоз бериш натижалари ҳақидаги расмий маълумот қонунда белгиланган тартибда матбуотда эълон қилинади.

(ЎЗА)

Такрорий овоз бериш юқори савияда ўтди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарорларига мувофиқ, шу йил 9 январ кунини мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 та ва маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи 946 та сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилди. Ушбу муҳим сиёсий тадбир - такрорий овоз беришни ташкил этиш ва ўтказишга тегишли сайлов округлари ва участкаларида пухта ҳозирлик қўрилди. Бу такрорий овоз беришнинг юқос савияда, сайлов тўғрисидаги қонунлар талаблари доирасида ўтишини таъминлади.

Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 6 округда такрорий овоз бериш бўлиб ўтди.

2004 йил 26 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловда 5-Қўйлик сайлов округидан тўрт нафар депутатликка номзоднинг бирортаси ҳам сайлангани учун етарли овоз ололмаганди. Сайловчилар бу гал энг кўп овоз тўплаган икки нафар номзоддан ўзлари мақбул деб топганлари учун такрорий овоз беришда қатнашдилар.

Сайлов участкаларида такрорий овоз беришни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий-техникавий масалалар аниқ ва белгиланган муддатларда амалга оширилди, - деди округ сайлов комиссияси раиси Мирқосим Мирёкубов ЎЗА муҳбирига.

Номзодларга тенглик ва қўнунчиликда белгиланган тартиб-қоида асосида сайловолди ташвиқоти учун зарур шарт-шароит яратилди. Жойларда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ташкил этилди.

301-сайлов участкаси эрталабдан гавжум бўлди. Тоza, ёруғ, ораста жиҳозланган бинога бирин-кетин кириб келаятган сайловчиларнинг кайфияти кўтаринки. Белгиланган жойда номзодларнинг кузатувчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари овоз бериш жараёнини синчковлик билан кузатиб турибдилар.

Участкамиз «Сирғали-2» мавзесидаги «Иттифок» маҳалласининг бир минг етти юзга яқин фуқаросини қамраган, - дейди участка сайлов комиссияси раиси Ибодулло Каримов. - Асосий сайловда уларнинг фаоллиги 88 фоизни ташкил этганди. Қўриб турганингиздек, фуқароларимиз такрорий овоз беришда ҳам иштиёқ билан қатнашапти.

Пойтахтимизнинг 10-Астрообод сайлов округига қарашли сайлов участкаларида ҳам сайловчилар такрорий овоз беришда фаол қатнашдилар.

Округимизда Юнусобод ҳамда Собир Раҳимов туманидаги 110 минг 800 нафардан зиёд фуқаро рўйхатга олинган, - деди округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Раҳман Жўраев. - Сайловчиларимиз, айниқса, «Хасанбой», Генерал Ғафуров маҳаллалари фуқаролари жуда фаол.

Такрорий овоз бериш 11-Тўқимачи сайлов округида ҳам фаол ўтди.

Такрорий овоз бериш жараёни фаол ўтаётганини сабабларидан бири - мазкур масъулиятли жараёнга пухта ҳозирлик қўрилди, - дейди округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Абдусаттор Абдуғафоров. - Таклифномалар овоз берувчиларга ўз вақти-



да тарқатилди. Сайлов учун барча жиҳозлар, кабиналар, қутилар тахт холга келтирилди. 2004 йилнинг 27 декабридан 2005 йилнинг

9 январига қадар ўн саккиз ёшга тўлган янги сайловчилар рўйхатга олинди.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Қорақалпоғистон Республикасидаги уч округда такрорий овоз берилди. Айниқса, 118-Хўжайили сайлов округига қарашли 253-сайлов участкасида сайловчиларнинг фаоллиги эрта тонгданок сезилди.

Бугун ўтказилаётган такрорий овоз бериш мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислохотлар самараларидандир, - дейди меҳнат фахрийси Исқандар Оқжигитов. - Мустақиллик туфайли ўзимиз танлаган партиянинг дастурини қўллаб-қувватлашга, ўзимиз танлаган номзод учун овоз бериш имконига эга бўлди.

Мамлакатимизда биз, ёшлар учун жуда кенг имкониятлар яратилапти, - дейди педагогика коллежи талабаси Серик Асқаров. - Мен танлаган номзод мамлакатимиз парламентида қонунлар қабул қилишда фаол иштирок эта оладиган депутат бўлишини истайман. Шу мақсадда такрорий овоз бериш учун келдим.

Қўриб турганингиздек, сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эркин ва фаол намоён қилмоқда, - дейди участка сайлов комиссияси раиси Ёдигул Қўбайдуллаев. - Буни участкамиз бўйича рўйхатга олинган 2 минг 680 нафар сайловчиларнинг тенг ярми соат ўн иккига қадар овоз бериб бўлганидан ҳам билиш мумкин.

Ушбу муҳим сиёсий тадбир қайта овоз бериш зарур бўлган барча округларда ҳар жиҳатдан юқос савияда ўтди. Зеро, такрорий овоз бериш юртимизда сайловлар мавжуд қонунчилик асосида, очик ва демократик руҳда ўтганининг яна бир намоёйиши бўлди.

(ЎЗА)

Ўзбекистоннинг бебаҳо хазинаси

(Давоми. Боши газетамизнинг ўтган сониди)

Истиқболга интилиб

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури қанчалик хилма-хил бўла бормасин, асосий маҳсулотлар - олтин ва уран қазиб олиш НКМК фаолиятининг етакчи, асосий йўналиши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверад.

Минг-минглаб муҳандис олимларнинг фикри зикри шу устувор йўналишга қаратилган. Саноат технологияси илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси, Умумий ва ноорганик кимё, Ўғитлар, Микробиология институтлари, "Технолог" илмий-ишлаб чиқариш бирилшма-Давлат тех-верситети муҳандис-тутти, Навоий кончилиқ институти, "Қўзилтепагеология" олимлари комбинат эхтиёжларини қўлаб, катта-катта ҳажмдаги гоат ноёб илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини баҳариб бермоқдалар.

Жумладан, Қўқплатос ва Довғизтов конларида окисланган руда захираларининг тугаб бораётганлиги муносабати билан 3-гидрометаллургия заводида технология тизимини олтин-сульфидли рудани қайта ишлашга ўтказишда олимларнинг илмий тадқиқот натижалари ниҳоятда асқотди. 2004 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб олтинга бой рудали янги Ажибугут қонини тажриба-саноат жиҳатидан ишга туширишда ҳам етук тадқиқотчи олимларнинг тасвия ва таклифларидан фойдаланилди. Ҳозирда бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари ушбу қонни саноат асосида ишга туширишнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишмоқда.

(Давоми 3-бетда)

УМРБОҚИЙ РИШТАЛАР

—Биз, - ўзбекларда яхши бир одат бор, меҳмонга қуруқ қўл билан борилайми, - дея ҳикоясини бошлади Қаҳрамон ака Жаббаров.

Голландияда таълим олаётган қизим Шоирани кўрган борар бўлидим-у, қандай совға элтсам экан, деб ўйлаиб қолдим. Ахир,

Голландиянинг бухоролик келини

олис ва етти ёт юрда қизимга раҳмхўрлик қилаётган кишилар кўнглини олишим керак-ку. Улар туфайли жиғарим у ерда беҳавотир яшайпти, илм олапти. Шунда ҳаёлимга бир фикр келди ва Голландияга, қизимга қўнғирок қилдим.

Қаҳрамон ака қизидан Микки хонимнинг турмуш ўртоғи билан тушган суратини юборишини сўради. Суратни олган, Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи дўстлари ҳузурига борди.

(Давоми 4-бетда)

“Шунга ҳам ҳужжатми?”

Самарқанд вилояти географик жойлашуви жиҳатидан қўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Бу ветеринар шифокорлар зиммасига анчайин масъулият юклайди. Негаки, қўшни давлатлардан ҳайвонлар, паррандалар, юкмли касалликлар қириб келишининг олдини олиш кўп жиҳатдан ана шу касб эгаларининг хизматларига боғлиқ-да.

Бунга яхши аниқланган вилоят ветеринария бошқармаси ходимлари чегара ҳудудларда назоратни қучайтиришга, барча секторлардаги чорва молларни хавфли касалликларга қарши эмлашга жиддий эътибор қаратаётганликлари бор гап. Бирок... Илгари давлат ва жамоа ҳўжаликлари қорвачилик фермаларини тўғридаги маълум тар-латли хизмат кўрсатилар эди. Мулк шаклининг ўзгариши бундай ҳўжаликларнинг тугаб кетишига олиб келди. Ҳўш, энди фермерлар ва ҳусусий тадбиркорларга, аҳолига қандай тартибда хизмат кўрсатилмоқда?

Вилоят ҳокимининг фармойиши билан мавжуд 119 та ветеринария участкаси тугатилиб, 409 та пункт ташкил этилди. Хизмат маъмулиятларининг қўлайлиги натижасида ҳар бир маҳалла, овул, қишлоқлардаги чорва ҳайвонларини таъриқ назоратга олиш имкони туғилди, - дейди вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи Музаффар Исаев. - 2004 йилнинг уч чораги давомида пунктлар томонидан 47 миллион сўмлик зооветеринария, 133 миллион сўмлик ветеринария дорихоналари хизмати кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда)

ТААССУФ

Тадбиркор элнинг фаровонлигини ошираётган. Бу ҳам гап. Ишбилармон юртин оёда эътибор. Бу шубҳасиз тўғри. Аммо, шоллининг ичиди қурмак бўлиши ҳам азалдан маълум. Бугун тадбиркорлар деган эзгу номга доғ тушираётганлар йўқ дейсизми? “Тадбиркор” деб, ноқонуний йўл билан мўмай даро-

Сохта тадбиркорнинг егани пушаймон

мад топишга уринаётган олғирлар дам-бадам учраб турибди. Уларни қўриб, “Савалнингга хайро, қадду қоматингга хайро. Тоғни талқон қиладиган қуч-қувватинг бор экан, ҳалол меҳнат қилиб, нон

олган фибрибгарларнинг қўпи “қўлтиғидиғи тарвуз” ёрилган, афсус чекишди: “Билмабман, хато қўлибман, кечиринглар. Бу нодонликни энди тақорламайман. (Давоми 2-бетда)





“АЧИГАН” КОФЕ

Эшик тақиллади. Очдим. Остонада кўп йиллардан бери кўришмаган дўстим Рустам содда турибди. Тишларининг оқини кўрсатиб: “Қалай, бормисан?”, — дейди.

— Э, э, қани ичкарига, — деб уйга таклиф қилдим. Дастурхон ёзиб, анча вақтгача ўтган-кетгандан, болаликнинг ширин хотираларидан гап-лашдик. У ҳалиям ўша-ўша. Қўнғилда гўёро кўртагидан асар ҳам йўқ. Ўзининг ёғни сув ўйлаб тўққани-ю, тунда тошни тўп деб тепгани учун касалхонада хаф-талаб ётганини эслаб роса қулишдик.

Нима бўлди-ю хонадан чиқдим. У ортимдан эргашганча: “Мана буларнинг қайси бири кофе?” — деди.

— Кофе деб идишга ёзиб қўйишган-ку?!

Зум ўтмай хонага қайтиб келар эканман, эшик оғзида “сув, сув” деб типисчилаётган дўстимга тўқнашдим. Шошиб ваннага кўрсатиб, ортидан бордим. У бўлса тинимсиз оғзини гар-гара қиларди.

— Ха, нима гап? Тинчликми?

— Кофе дегани бунчалар аччиқ бўлмаса, — дерди дўстим важаҳат тула қўзлари билан тикилганча, — ёки ачиқ қолганми?

Кеча калампир соламан деб идишни синдирган эдим. Кейин мажбур бўлиб, уни кофенинг идишига солиб қўйганлигим ёдимга тушди.

Мамарасул БЕКИЕВ

ЯРМИ ҲАМ ЕТАРЛИ

Бир пайтлар ҳамқишлоқ жўралар Хайдар, Ашур, Норкул учови вилоят марказидаги “Автомактаб”да ўқир эди. Қишлоқдан ҳар кунги ўқишга бирга қатнашарди.



Қуларнинг бирида жўралар дарсдан чиқиб автобус шоҳ бекатига келишди ва қишлоққа элтадиган автобусга чиқишди. Уч ўртқоннинг орасида Хайдар бироз шумроқ, пуқтагина эди. Икки жўра Хайдарни “туширмоқчи” бўлди, Норкул унга деди:

— Қара, хайдовчи ўзбекчани тушунмайдми. Ёнингда боя минг сўмлик пул бор эди, шуни бериб тур. Автобусдан тушаётганимизда хайдовчига узатами. Катта пулга унда “майда” йўқ, ўзимизга қайтариб беради. Уйга бепул етиб оламиз, ўртоқ. Ниҳоят, улар манзилга етиб келдилар ва минг сўмликни хайдовчига узатишди.

Боядан бери уларга кулоқ тутиб келган хайдовчи:

— Ўзбекчани тушунмайдми, дегин, — деди ва битта беш юз сўмликни қайтариб бераркан, қўшиб қўйди:

— Кира ҳақиқа ярми етади...

“ХАРОШ”

Сулаймон ака хайдовчи, юк машинаси бор. У қишлоқдагиларнинг ҳожатини ҳам қиқариб туради, сомон-хашагини бозорга элтиб беради.

Хуллас, қўшни Тўлбой тоға бозорга сомон олиб борадиган бўлди. Ўғли Хўжабекни машинага юборди. Бироздан сўнг Сулаймон ака “бортовой”ни гувиллатиб етиб келди. Машинани сомон ортишга қулайроқ қилиб қўймоқчи бўлиб, Хўжабой “малим”га деди:

— Мен машинани сомонга мўлжаллаб юргизаман, сен йўл кўрсатиб турасан.

Хўжабой “малим” “назад, назад...” яна, яна, — дея йўл кўрсата бошлади.

Шу тобда Сулаймон ака машинага кўпроқ газ бериб юборди чоғи, сомонни “ёриб” ўтган “бортовой” орқаси билан деворни уриб йиқитиб, ўзи ҳам учиб қолди. Бу кўтилмаган ҳолдан довдираб қолган Хўжабой “малим” “харош” деб юборганини билмай қолди.

“ЯРИМТА”ГА ГАРОВ БЎЛГАН... ОТ

Ҳамқишлоғимиз Қобил ака сўзга чечан, ҳозиржавоб, ҳажвага уста эди.

Қиш кунлари. Унинг тенгкур уфатлари “гап-гаштак” ейди-ган бўлишди. Гал келиб қишлоқдан икки-уч чақирим наридаги “Чоголок” деган жойга Ўнғор “малим”ни қиёфатга бордилар. Едилар, ичдилар, сўнг карта уйини бошладилар. Ҳаммани оғзига қаратадиган Қобил ака шундай деб қолди:

— Ким ютқазиб қўйса, қазига “тушади”, ҳўпми, “бўйни узун”и билан.

Уфатлар шартта рози бўлишди. Уйин бир давра айланди, икки давра айланди.

Ҳамманинг дами ичида. Хар гал Қобил ака ютқазётган эди. У ичидан зил кетса-да, хижолатдан қўтилишга уринарди. Ахийри қувилиги тутиб деди:

— Мен ҳазиллашган эдим. Бўпти, қани кетдик.

“Ҳазил”ни кўтармаган Ўнғор “малим” ташқарига чиқди. Ховлида уфатларнинг отлари боғлоглиқ турарди. У Қобил аканинг отини бошқа жойга яшириб боғлади. Уфатлар чиққач, Ўнғор “малим” буювасидан қолган қўлфининг узун қалитини қўлида уйнатганча деди:

— Отингиз қазига “тушди”, тақсир. Қассоб сал ҳаялладими, дейман. Ха энди, унчага ўзингиз ютқани олиб келасиз-да. Ҳозирча отингиз шу қалитга лойиқ қўлфининг орқасида тура туради. Ё қассоб келар, ё сиз...

—Фейлинг чапани-да, бўпти ҳозир келаман, — деганча Қобил ака ютқача жўнади.

—Илдам бўлинг, тақсир, — деб қўйди яна Ўнғор “малим”.

Ахир “гаровдор” отасига билдирмай отини берухсат миниб келган эди-да.

Норкул МАМИРОВ, Жиззах.

(Боши 1-бетда)

Ўрни келганда айтиб ўтиш лозимки, ихтисослашган ҳўжаликлар, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, уни бозорга олиб чиқиш билан шуғулланувчи корхоналар, аҳоли ўртасида ҳам мавжуд тартиб-қоидаларга амал қилмайдиганлар ҳамон учраб турибди. 2003 йили қонунчиликка амал қилмаганларга беш миллион сўм жарима қўлланилган эди. 2004 йил эса 1905 нафар фуқарога жарима солинди.

Қишлоқларда назорат ўрнатиш анчайин енгилроқ. Бироқ, гавжум шаҳарларда-чи? Кўп қаватли уйларида ит, мушук боқаятганларни аниқлаш, профилактик тадбирлар олиб бориш осон иш эмас. Самарқанд шаҳар ветеринария бўлими бошлиғи Шамил Жўраевнинг берган маълумотларига кўра, ҳозирги кунда шаҳарда 800 бош йирик ва майда шохли мол, 8 бош от, 10000 бош парранда, 500 бош қўён, 480 бош чўчка боқилмоқда. Рўйхатдан ўтказилган ит-мушуклар сони 5500 та. Агар биз рўйхатдан ўтказилмаган жониворларни ҳамда Самарқанд туманининг шаҳар билан қўшилиб кетганлигини ҳисобга олсак, бу рақамларни неча ўн қаррага қўлайтиришга тўғри келади.

Сирасини айтганда, шаҳар чорвачилиги билан боғлиқ муаммолар кўп. Кимдир кўп

қаватли уйларнинг ертўласида, балкончасида, томи устида товук, курка, қўён, кимдир гаражида қўй, эчки, чўчка боқмоқда. Тақилганган

Чўчкахона йўқ қилиниб, тартиббузарга нисбатан тегишли жазо қўлланилди. Кимдир кўпроқ қўроғчасидаги Нарпай кўчаси 12-уйда истиқо-

“Шунга ҳам ҳужжатми?”

ишни қилаётганлар тайинки, ветеринар назоратидан яширинишга уринади. Оқибати эса турли юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши учун қулай шароит туғилади.

Бўлим бошлиғининг ўринбосари Рустам Рашидов бундай ноҳуш ҳолатларга қарши курашиш давом этаётганини ва кўплаб гайриқонуний ҳолатлар аниқланаётганини айтди:

“Шаҳарнинг ўртасида, Мустақиллик кўчаси 51-уйда истиқомат қилувчи Я.Волкова хонадонига чўчка боқиш билан шуғулланган. Қўшнларнинг шикоятини асосида текшириш ўтказилганда антисанитария ҳолати аниқланди.

мат қилувчи Х.Худойкуловнинг ҳам мумкин бўлган шароитда чорва моллари боқиб, аҳолига экологик заҳар етказяётганлиги аниқланиб, қонуний жазоланди. Далилларни шаҳарда фаолият юритаётган кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлар мисолида ҳам келтириш мумкин”.

Шаҳарнинг каттагина қисми паст-баландликлар, Сибё ариги ирмоқлари соҳилларидаги бутазорлар билан қопланган жарликлардан иборат. Бу эса ўша теваракда яшовчи шаҳарликларнинг чорвачилик билан кўпроқ шуғулланишига яхши омил, айни пайтда даиди ит, мушукларнинг қўлайишига

ўчоқ вазифасини ўтапти. Бундай шароитда мавжуд ҳайвонларни тўлиқ аниқлаш, очик гапки, соҳа мутаассадиларининг қўлидан келмайди. Бу ишга маҳалла-қўй, соғлом тушунчали ҳар бир фуқаро ёрдам қўлини қўйиши лозим.

Шаҳар ободонлаштириш департаменти ит овлаш гуруҳи тўққиз ой мобайнида 233 та дайди қучқни ушлаб йўқ қилишган. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, давоси йўқ, ўлим билан ақун топадиган қутуриш касалигини бошқа ҳайвонларга, одамларга юқтирадиган асосий хавф бўлмиш дайди итларни йўқ қилишда бирор кун хотиржам тортиш мумкинми?

Самарқанд шаҳридаги хусусий ошхоналардан бирида оёғидан боғлаб қўйилган бургутни кўрдик. Йиртқич қўшнинг рўйхатга олинган-олинмагани, қўриқдан ўтган-ўтмагани билан қизикчанимизда тамаддиҳона соҳибига елка қисиб, ажабланганча “Шунга ҳам ҳужжатми?” дейди. Регистрон майдонида яқин ошхоналардан бирида ҳам худди шундай ҳолатни кўзатдик. Мисоллар гоёт кўп. Хулоса эса аниқ, токи ветеринар кўригидан ўтказилмаган экан, жилаганиб турган товус ҳам юқумли касалликларнинг вирусларини ташувчи, тарқатувчи манба бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас.

Ўқтам ҚУРБОНОВ, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Саломатлик баридан устун

Инсон қонинот гултожи саналадиган бўлса, унинг саломатлиги қанчалик муҳим аҳамият касб этишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ишловлар негизда ҳам ана шу ҳақиқат ётибди.

Қорақалпоғистонда айни дамда 72 та шифохона, 247 та амбулатория-поликлиника эл хизматида бўлиб, уларда 4 мингга яқин шифокорлар, 16 мингдан кўп ўрта бўғиндаги, 20 мингга яқин кичик тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқдалар.

Соҳада моддий-техник базанинг тобора яхшиланаётгани меҳнатимизга унум бағишляпти. Сўнгги икки йил ичида О.Холмуртов номидаги 1-сонли республика шифохонасининг биринчи корпусида 350 миллион сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди. Республика шифохона тез тиббий ёрдам маркази Нукус филиалида 1-2-



даги замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди.

Ана шундай ишлар баробарида кадрлар малакасини ошириш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ўнлаб шифокорларимиз хорижда малака ошириб қайтишди. Қолаверса, ўтган йили олий билим юртларини битирган 23 нафар ёш кадр сафимизга қўшилиб қўшилди. Муҳими, ишимизда жонланяш бор.

Шу ўринда эътироз этишни истардимки, янги йилнинг юртимизда Сихат-саломатлик йили дея аталishi биз — тиббиётчиларда маъсулият ҳиссини янада оширди.

Марияш ТУРИМБЕТОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.

Қизилқум бағрида жойлашган Томди тумани марказида янги очилган кичик корхона “Ипак йўли” деб номланди.

Томдида янги кичик корхона

Унинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, мазкур цехда тўқилаётган маҳсулотлар фақат туя жунидан тайёрланмоқда. Ҳам енгил, ҳам пишиқ жун толаси иссиқлиги яхши сақлаши, экологик фойдали ҳамда шифоли эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Мазкур корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун маҳаллий ширкатлар томонидан бино ажратилиб, қурилиш бригадаси ёрдамида таъмирланди: Имтиёзли кредит олиниб, чет эл асбоб-ускуналари келтирилди.

“Ипак йўли” цехида бугунги кунда чўл аёлларидан 12 нафар меҳнат қилмоқда. Улар орасида Ж. Серикбаева, А. Сансизбаева, Ж. Усенбаева каби моҳир тўқувчилар бор.

Туя жунидан тўқилган эркаклар ва болалар жемперлари тумандаги ширкат ҳўжаликлари аъзоларига тарқатилмоқда, — дейди мазкур кичик корхона директори Салтанат Сидиқова. — Келгусида маҳсулот турларини кўпайтириш ниятида-миз.

“Туркистон-пресс”



Бойсун туманидаги “Жило Файз” хусусий фирмаси иш бошлагач, 40 нафар киши иш билан таъминланди. Ҳозирда корхонада мактаб, лицей, коллеж ҳамда ошхона мебеллари, уй-рўзгор буюмлари, хуллас, 53 хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Маҳсулот сифати чакки эмас.

СУРАТДА: ишчи Бахриддин Маматов, менежер Нурали Маматқўлов.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

Сохта тадбиркорнинг егани пушаймон

(Боши 1-бетда)

Минг афсусдан, юз минг пушаймонман. Бош ҳам, юз шувит, надоматларининг эса охири йўқ. Сохта тадбиркорлар “кўзни чиқмасдан кўри” деган нақлни унутиб қўйишди.

Азим Ақромов Шеробод туманидаги У.Туропов номли ширкат ҳўжалигининг “Тароқли” маҳалласидан. Зийрак, гайратчан йигит эди. Элдешлари орасида обрўси ҳам тузуккина. У-бу ишга қўли ҳам келишиб қолди. Ташкилотчилиги, ишбилармонлиги ошди. Фирма ташкил қилишга бел боғлади. Туман ҳокимлиги ҳам йўқ демади: “Тадбиркорликка йўл очик, марҳамат. Даромад топинг, бой бўлинг, элга ҳам нафизгиз тегсин”, деб ок йўл тилашди. Шеробод тумани ҳокимлигининг 250-сонли қарори асосида “Шаҳзод” кўп тармоқли хусусий фирмаси ташкил этилди. А.Ақромов ўзини фирмага бошлиқ қилиб расмийлаштирди.

Тадбиркорлик осон эмас. Машаққати ҳаддан зиёда. Тинимсиз заҳмат чекмоқ, олиб-югурмоқ даркор. Хеч ким “Э-э, сиз тадбиркор экансиз, мана, олинг, қанча даромад бўлса, манавай бойлик сизга, марҳамат!”, деб қутиб ўтирган эмас. А.Ақромов эса тез ва кўп пул топиш йўлини излади. “Нима қилиб бўлса ҳам, қандай қилиб бўлса ҳам бирдан бойиб кетишим керак”. Фикри шу, зикри шу. Шу ҳаётинчилик бермай қўйди.

“Ким нени изласа, шуни топади”, деганлари ҳақ экан. Сохта тадбиркорлик уй-ҳаёлида юрган А.Ақромов Тошкентда Алберт Мухиев билан учрашиб қолади. Ушхатмасдан учратмас экан. Дарров апок-чапоқ бўлиб олишди. “Дард”лари бир экан: кўз очиб-юмгунча катта бойлик орттириш...

А.Ақромов фирма ҳисобига 168462 килограмм келадиган 283716 АҚШ доллари микдоридидаги пахта қалава ипларини қабул қилиб олади. Ҳазилкам бойлик эмас. Ҳамма иш ими-жиммида хал бўлса, ошқилари олчи. Чўнтақлари жарақ-жарақ пулга тўлади. Сохта тадбиркорлик улар ўйлагандай бораверди. А.Ақромов эгаллаб турган лавозимига кўра мансабдор шахс бўлиб турди, Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда Россия Федерациясининг Пенза шаҳридаги ООО “Сунна” ҳиссдорлик жамияти билан “Хом аш”ни қайта ишлаш тўғрисида”ги 506-сонли сохта шартномани тузиб, имзо чекади. Сохта тадбиркорлар шу йўл билан ООО “Сунна” ҳиссдорлик жамиятига 91306776 сўмлик қалава ипларини жўнатишди. Бундан ҳеч ким хабар топпайди. Ёлғизлик қозон ёлғизликча қолаверади. Ишлар улар ўйлагандан ҳам зиёда бўлаётти. Биров мушугини “пишт” демапти. Пул эса ёмғирдай ёғаётти. “Демак, давом эттирсак бўлаверади” ўйлади улар. Сохта шартномалар-у четта ҳам аш ётказиб бериш тўхтамади. Хар икки томондаги “пи-хи”ни ёрган ишбилармонлар фойдани чўнтакка уравердилар.

Сохта тадбиркорлик уйини қўзйиверди. “Хой, нима қилаёсизлар, бунинг охири ёмон бўлади”, дейдиган киши йўқ. Нафс деган кўзни хира қилиб қўяркан. Улар бу “тадбиркорлик”нинг доирасини яна кенгайтиришга ҳақ эдилар. Шу мақсадда Украина пойтахти Киев шаҳридаги “Силует” фирмаси билан Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда шартнома тузилиб, муҳр босилди. 25-06 сонли икки томонлама сохта шартномага асосан салкам 180 (бир юз саксон) миллион сўмлик қалава иплар Россия ва Украинада қайта ишланиб, “бризент” тайёр маҳсулот шаклида Ўзбекистонга қайта олиб келиш шарти билан бериб юборилди.

Сохта тадбиркорлар қалава ипни Шерободдан Пензага, ҳатто Киев шаҳригача қувалатиб боришди. Бу “тадбиркорлик” узоқ давом этди. Ниҳоят, “қалаванинг учи” топилиди. Қонунни бузиб, бойлик орттириб келаятган кўп тармоқли “Шаҳзод” хусусий фирмасининг “сир”и очилди.

Натижа нимани кўрсатди? Маълум бўлишича, сохта тадбиркорлик натижасида “Шаҳзод” кўп тармоқли хусусий фирмаси давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 3419690 сўм қўшимча қиймат солиғи ҳамда 423966 сўмлик божхона расмийлаштирув йўғини, жами 3843656 сўм божхона тўловларининг тўланиши қўшимчага сабабчи бўлган.

Сохта тадбиркор “ўзим хон, қўланкам майдон” деб ўйлади. Қонунни назар-писанд қилмади. Нафси ҳақлақ отди. Қонун ҳимоячилари “қалаванинг учи”ни топганларида А.Ақромов қаёққа бош уришни билмай, қалаваниб қолди.

Сохта тадбиркорлар суднинг “қора қурси”га ўтиришга мажбур бўлишди. Бошлари эгилган. Барча қилмишларидан пушаймон. Афсуски, “қўза” аллақачон синган. Улар тадбиркорлиқни ўзларига қалқон қилиб олишганди. А.Ақромов ва А.Мухиевларнинг барча қирди-қорларига ҳуқуқ посбонлари, қонун ҳимоячилари қонун йўли билан нукта қўйишди.

Халол йўл билан ризқини яратяётган, элим деб, юртим деб яшаётган тадбиркорга қонун мададкор. Қонун уни қўлайди, ҳимоя қилади. Қонунни четлаб ўтиб, ўз билганидан қолмай, давлат манфаатларига хилоф равишда “тадбиркор”лик қилган, қонунуний иш билан бойимсоқчи бўлган олғирлар узоққа бораолмайди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. А.Ақромов ва А.Мухиевлар гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари учун тегишли жазоларини олдилар.

Асл тадбиркорнинг оши халол, егани оппоқ нон. Сохта “тадбиркор”нинг эса, қўзи шувит, егани... пушаймон.

Менгнор ОЛЛОМУРОВОВ, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Чўнтақпараст



Мухсинжон Абдуллаев вилоят матлубот қурилиш, транспорт ва моддий-техника таъминоти бошқарувида қарашли Бешарик туманидаги “Автоҳўжалик” ҳиссдорлик жамиятида мансабдор шахс бўлиб ишларди. У қилаётган ишнинг оқибатини ўйлабм-ўйламайми, жиноятга қўл урди.

2001-2003 йиллар давомида “Автоҳўжалик” ҳиссдорлик жамиятига тегишли ГАЗ-53, ГАЗ-52 русумли 6 та автомашина ижарага берилган эди. М.Абдуллаев ижарадан тушган 1858800 сўмни жамият кассасига қирим қилмай, кассасига урди. У бу пуллари ишлатишга шунчалик ўрганган эдики, ижарачилар ўзлари пулни олиб келишгунча ҳам сабр қилмай, баъзан ўзи уларнинг уйига пулни олгани борарди.

Ижара пулини жамият газначиси З.Зиётовага ёки Н.Эргашевларга топширган хайдовчилар хар сафар “квитанция” сўрашганди, улар “бошлиғимиз Мухсинжон Абдуллаевдан олсанлар” деб жавоб беришарди. Бошлиқ эса “ҳамма квитанцияни битта қилиб бераман”, деб ижарачи хайдовчиларни алдаб

келар эди. Фақат чўнтакка иш қилиш уйлаб қолган М.Абдуллаев энди жамиятдаги бензинларга кўз олайтирди. 2002 йилнинг август ойидаги бензин маҳсулотининг тақсимот варақчаларига сохта маълумот киритишни ўйлаб топди. Билантуриб ҳужжатларни қалбақиллаштирди. 167453 сўмлик

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

1100 литр бензинни ҳиссдорлик жамиятидаги автомашиналарнинг хайдовчиларига берилди, деб ҳужжатлаштириб, аслида бензинни талон-тарож қилиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатди. 2002 йил 18 ноябр кўни эса 6-сонли ишонч қорғози орқали қирим қилинган 1573 литр “А-76” маркали бензинини ҳам ишлатиб, жамиятнинг жами 475615 сўмлик 2673 литр бензин маҳсулотларини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

М.Абдуллаев ўзининг жиноятини яна давом эттирди. Бора-бора у пул топширини бошқа усуллари билан қашф қилиб бори. “Ижара”, “бензин” операцияларининг ёнига яна янгили қўшилди. У 2004 йилнинг март ойида мансаб

ваколатидан қасддан фойдаланиб, жамият балансидаги ёнғинга қарши ховуз ёнига ўрнатилган сўрини ҳотамтойлик қилиб А.Фисовга 15000 сўмга сотиб юборди. Аслида эса бу сўрининг нархи 70000 сўм турар эди. М.Абдуллаев жиний ҳаракатларини яна давом эттириб, 90000 сўмлик 1 донга сварка аппаратини ва автомашиналар сақланадиган шийпонга қўйилган 16 сантиметри 60 метр узунликдаги, хар бир метри 4000 сўмдан бўлган, жами 240000 сўмлик швеллерни ҳам номалуу шахсларга сотиб юборди. Ўзининг бу ҳатти-ҳаракатлари билан жамиятга 400000 сўм моддий зарар етказди.

М.Абдуллаев ўзининг жиний ҳатти-ҳаракатлари билан Бешарик туманидаги “Автоҳўжалик” ҳиссдорлик жамиятининг 2734415 сўмлик нақд пуллари билан товар моддий бойликларини ўзлаштириб юборди...

Нафси ҳақлақ отиб, ўз манфаатини қўзловчи чўнтақпараст бўлиб қолган М.Абдуллаев қилмишига яраша суд ҳукми билан тегишли жазосини олди.

Ш.КАРИМОВ, Бешарик тумани прокурори ёрдамчиси.

(Боши 1-бетда)

Айтиш мумкинки, мазкур конда жорий этиш таклиф қилинганга янги технология олин қазиб олиш тарихида мутлақо янги инқилобий даврни бошлади. Зеро, лойҳага кўра Ажибуғут конида олтинни руда қазиб олинаётган жойнинг ўзиде интенси́в гравитацион технологияни қўллаш орқали саралаб олиш кўзда тутилмоқда.

Узоқ фурсатдан буён Кўкпатос ва Довгизтов конларидаги сульфидли рудаларни қайта ишлаб, унинг таркибидеги олтинни ажратиб олиш истисқиболсиз ҳисоблаб келинарди. Чўнки бу лойиҳа нийоятда қимматга тушиб, бундай рудаларни қайта ишлаш технологияси амалда яратилмаган эди. Бугунги кунга келиб, муҳандис олимларимиз бу муаммонинг ҳам тугунларини ечиб беришди. Кончилик ишларида улар яратган илгор технологиялардан фойдаланиш ишлаб чиқариш харажатларини мақбул даражага тушириш имконини беради. Сульфидли окислашнинг бактериял технологияси бўйича сульфидли рудаларни қайта ишлаш технологияси яратилиб, саноатдан муваффақиятли ўтказилди. Бу янги дастур ва лойиҳани ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштиришга имкон бераётди. Янги хом ашё базисиде кон-металлургия мажмуини барпо этишни сармоялаш лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Унга кўра, 2007 йилгача 3-гидрометаллургия заводи Кўкпатос конидан қўлаб қазиб олинандиган сульфидли рудаларни қайта ишлаб бошлайди.

Олтин қазиб олувчилар ва олимлар ҳамкорлигининг яна бир ҳосиласи нийоятда самарали. Бу ўринда гап рудани коннинг ўзиде интенси́в гравитацион технология усулида қайта ишлаб, олтинни ажратиб олишга оид янги лойиҳа ҳақида. Бу НКМК олтин сараловчилари учунгина эмас, республикамиз учун янги технология қўйилишидир.

Боз устига, унинг экологик тозаллигини айтмайсизми? Бу – биринчидан. Иккинчидан, янги технология рудадан соф олтинни ажратиб олишга кетадиган харажатларни 20 баробар камайтириш имконини беради.

Тасаввур қилинг: юзлаб метр чуқурликда руда қазилиб, қудратли машиналарга юкланади. Улар кўпчила ўнлаб километр йўл босиб, рудани қайта ишлаш корхоналарида ташиб беради. Ҳоҳида бу занжирга темирйўл транспортининг қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Қачон Навоий металлургия хузурига икжодий сафар билан бординида, ўзгармас ҳисобланувчи бу манзарани кўп кузатганмиз. Эндиликда бу транспорт занжирига мутлақо эҳтиёж қолмайди.

Рудани қазиб олиш ва ташиш жараёнида экологияга етказиланди-

ган буҳронликлари айтмайсизми? Бундан кейин атроф-муҳитга салбий таъсир кескин камайдди. Чўнки янги технологияда химиявий реагентлар қўлланилмайди. Чўринтан, Гўжумсой, Ажибуғут, Сарим конларида рудалардан шу асосда олтин ажратиб, саралаб олинади.

Комбинатнинг янги ишлаб чиқариш ҳажмида олтиннинг ҳиссаси ҳозирда 80 фоизга етиб бормоқда. Ҳарбий Ўзбекистондаги 13 та олтинга бой руда конлари захиралари бу шавкатли меҳнат жамоаси-

мустаҳкамлаб, соҳа саноатини ҳам кескин ривожлантириш учун имконлар доирасини кенгайтирди.

Дехқонга кўмак келди

Маълумки, экин майдонларидан мўл ҳосил етиштиришда суперфосфат, умуман фосфорли ўғитларнинг аҳамияти нийоятда катта. Ўзбекистон мустақилликка эришган, собиқ иктисодий алоқалар узилиб, Қўқон, Олмалиқ ва Самарқанддаги йирик-

замонавий технологиялардан фойдаланилди. Натижада маҳсулот ҳажми кўпайиб, Олмалиқдаги "Аммофос" бирлашмаси билан Самарқанд қисман заводларининг ҳам эҳтиёжи қисман қондирила бошланди.

Шундан бироз илгари, 17 март кўни саноат корхоналари фаолияти билан танишиш мақсадида Зарафшонга келган Президент Исрол Каримов фосфорит рудаси қазиб олинаётган Тошқўра конида бўлиб, Юртбошимиз рудани қазиб олиш жараёни билан танишди, хом ашё

пайтда бу ерда яна бир янги қувват – рудани майдалаш цехи ишга туширилди.

Мамлакат кимё заводларининг фосфорит хом ашёсига эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадларини кўлаб, Ҳўкуматимиз 2004 йили яна бир муҳим қарор қабул қилди. Уни амалга ошира бориб, шу кўнларда фосфорит рудасини ювиш орқали қўшимча равишда бойитиш тизими яратилмоқда. У шу йил ишга тушган, қўйилган фосфорит концентратининг сифати кескин яхшиланади. Дехқонлар мўйжизакор, арзон минерал ўғитларни етарли ола бошлайдилар, ҳосилга барака қиради.

Мингларнинг бири

Экскаватор ҳайдовчиси Анатолий Николаевич Панин хонадониде бир ноеб эсдалик суратни ардоқлаб сақлашади. Унда Президент Исрол Каримов Анатолий Николаевични қўчоғиде даст қўтариб тургани мўҳрланган. Бу сурат Юртбошимиз Учқудўқа келганида олинган.

Ушунда Ўзбекистон Қаҳрамони экскаваторчи Анатолий Панин қудратли улкан машиналарга руда юклаётганиди. Бир пайт Президент конга тушиб келди, қудратли техникаларнинг бир маромда ишлашини завқилан қўзатди. Жазираме чўлда, бир неча юз метр чуқурликдаги конде машинистларнинг машаққатли меҳнатига юқори баҳо берди.

–Экскаватор чўминичи қаранг, – лўкма ташлади Президентга хамроҳ бўлиб келган раҳбарлардан бири. – Юк машинасининг қўзовиде баҳайбат-а. Бундай машиналарни алпона йигитларига бошқара олади.

–Тўғри, Анатолий Николаевич ўз машинаси билан бирийўла бир неча тонна рудани кўтарди. Ҳозир биз ҳам унинг ўзини кўтаришга уриниб кўраимиз.

Шундай деди-да, Президент рўнрасиде турган экскаватор машинистини белидан қўчоқлаб, даст кўтарди. Конни одамларнинг қийқириги босиб кетди. Паниннинг оёқлари ердан узилиши асносиде сураткаш фотоаппарат тўғмасини босди.

Анатолий Панин олис Туладан Зарафшонга келиб ўрнашиб қолгани неча ўн йил бўлди. Тулалик маданият ҳодими бу ерда кон машинистига айланди ва ўзлигини намоен қилди. Янги юрти – Ўзбекистонда довруқ қозониб, мустақил Ватанимизда биринчилар қатори Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Турмуш ўртоғи Тамара Юрьевна ҳам қончи, шу ерда ишлайди. Зарафшон, Навоий шахрлари уларнинг кўзи ўнгиде барпо этилди, бугунги гўзал тароватини касб этди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбирлари.
(Давоми бор)



нинг шижоати билан ишга солинмоқда. Бу мамлакатдаги шундай захираларнинг 85 фоизини ўз ичига олади.

Бирок, олтин қазиб олувчилар Зарафшон воҳаси доирасиде эришяётган натижалар билан чеклиниб қолётганлари йўқ. Утган йили комбинат Қоракалпоғистон Республикасининг Жамансой тендер майдонини ер ости участкасидан фойдаланиш ҳўқуқи учун ўтказилган тендер савдосиде ғолиб қикди. Эндиликда шу салохиятни олтин-руда конларини ҳам ўзлаштиришга киришилди.

НКМК мамлакатда тайёр уран маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ягона корхонадир. Мустақиллик йилларида уранни ер ости қудуқлариде ишқорли ишлов беришдан иборат арзон ва экологик соф усул билан қазиб олишга ўтилди. Натижада Марказий Қизилқумда уран хом ашё базиси захира майдонлари кенгайдди. Чўнки, аънавий кон-қазий усулидан кўра янги усул хар жиҳатдан истисқибол қўлиб қикди. Бу соҳада олиб бориладиган илмий-технологик изланишлар Ўзбекистоннинг жаҳон уран бозоридеги мавқеини

йирик кимё корхоналарининг фосфорит хом ашёсига эҳтиёжи қондирилмай қола бошлады. Шундай бир шайтда Президентимиз ташаббуслари билан Республика ҳўкумати илгари импортга боглиқ бўлиб келган кимё заводларини мамлакатимиздаги мавҳуд хом ашёлар билан таъминлаш тўрисида қарор қабул қилди. Шу муносабат билан Навоий кон-металлургия комбинати фосфоритга бой Жерой – Сардара конлари рудасини қайта ишлаш назарда тутилган Қизилқум фосфорит мажмуасининг биринчи навбатини лойиҳалаштириш ва қуришга киришди. 1997 йилда бошланган бу иш жадал суръатлар билан олиб борилади ва 1998 йилнинг май ойидеаё Қизилқум фосфорит мажмуаси Қўқон суперфосфат заводининг эҳтиёжини ўз фосфорит хом ашёсиде билан тўла равишда қоплашга эришди.

2001 йил апрелига келиб, биринчи навбат қувватлари яна ҳам оширилди. Фосфорит концентратини ҳосил қилиш технологияси ишлаб чиқарилаётганда фосфорит хом ашёсини радиометрик навлаш, бойитиш ва қўйдириш ишларида энг

захираси, корхонанинг ривожланиш истисқиболлари билан қизикди.

–Тошқўра ҳавзасиде олимларимиз фосфорит рудага бой қўлаб конларни аниқлашган, – дея жавоб беришди вилоят раҳбарлари. – Жерой, Қўруққудўк, Ойдинбўлоқ, Азнак, Тошқудўқ каби қўлаб конлар шулар сирасига қиради. Бу ердаги захиралардан ўнлаб йиллар давомида фойдаланиш мумкин.

Юртбошимиз мазкур конлардан самарали фойдаланиш мамлакат иктисодиёти равангига салмоқли улуш қўшажагини алоҳида таъкидлади. "Бизга ҳудудий жиҳатдан яқин бўлган, бу турдаги маҳсулотларимизга асосий харидор мамлакатларда қишлоқ ҳўжалиги устувор соҳалардан ҳисобланади, – деди Исрол Каримов. – Экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иктисодий фойдали жиҳатлари кўп. Биз бу имкониятлардан самарали фойдаланмоғимиз зарур".

Уч йилга яқин фурсатда Қизилқум фосфорит корхонаси 600 минг тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, шўнинг 400 минг тоннасини фосфорит конденсати ташкил этди. Президент корхонада бўлган

“Мароқанд” – фермер мададкори

Мамлакатимиз фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш, уларни хар томонлама қўлаб-қувватлашга ҳўкуматимиз томонидан жиҳдий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чўнки фермергина ҳақиқий маънода ернинг эгаси, таъбир жоиз бўлса у билан тиллаша, олади.

Маълумки, кейинги пайтда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Ушбу ҳўжатлар замирида қишлоқда бозор инфратўзимини ривожлантириш, фермерларнинг тўлақонли фаолият юритишини учун кенг имконият ва шарт-шайроит яратиш мақсади ётади.

Фермер ҳўжалиқларини зарур моддий-техник ресурслар билан ўз вақтида таъминлаш, уларга намуналий хизмат қўрастишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жўмладан, уларнинг нефт маҳсулотларига бўлган талабини қондириш бевосита меҳнат унимдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Самарқанд вилоятидаги “Мароқанд” нефт база уни-

қабул қилиб олган, уларни қайта таъмирладик, техник ва ёнгин харвсизлиги талабларига жавоб бера оладиган даражага келтирдик, – дейди

ХИЗМАТ

унитар корхона директори С.Мустафоев. –Айни пайтда маҳсулотларини ўз вақтида қабул қилиб олиш, уларни сифатли сақлаш ва тарқатишга жиҳдий аҳамият бераймиз.

Далаларда айни иш қизиган паллада, яъни экиш, шудролаш ва йғим-терим мавсумида фермерларнинг бош қашигида қўли тегмай қола-

да бу ердаги 14 та нефт маҳсулотлари тарқатиш шахобчаси тумандаги юздан зиёд



рига жавоб бера оладиган даражага келтирдик, – дейди

фермер ҳўжалигига хизмат қўрасталаётди. Шўнингдек, вилоятнинг Булўнғур туманида 3 та ана шўндай шахобча 210 нафар фермернинг қорига яраб турган бўлса, Оқдарё туманидаги 144 та фермер ҳўжалиги “Мароқанд”га қарашли 5 та ёнлиги тарқатиш шахобчаси хизматидан мамнун. Ушбу шахобчалар корхона иктиёрига ўтгандан кейин салкам икки миллиард сўмлик ёнлиги маҳсулотлари етказиб берилди. Корхона директорининг айтишича, шахобчаларни таъмирлаш ва замонавий талаблар даражасига келтириш учун 100 миллион сўмга яқин маблағ сарфланган.

Келгусида корхона тасарруфидеги шахобчалар сонининг ортиши хизмат қўрастиш кўламини янада кенгайтириш имкониятини тўғдиради. Маълумотларга кўра, тўғилаётган истисқиболсиз ва паст нереабелли ширкат ҳўжалиқлари ҳудудиде Пастдором туманида олпига, Ургўтда иккита, Самарқанд ва Таялқот туманларида биттадан, Жомбўлда олпига фермерларга нефт маҳсулотлари тарқатиш шахобчалари қуриш ишлари бошлаб юборилган. Жойларда қурилиш ва таъмирлаш ишларига 300 миллион сўмдан ортик маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Дехқон бойиса, юрт фаровон бўлади. Фермерларнинг юқори ҳўсил олиши, катта фойда қўриши уларнинг турмуши яхши бўлишини қаролаталайди. Бўнинг учун, дехқон ва фермерларга етарли шарт-шайроит яратиб бериш талаб этилади. Шу маънода “Мароқанд” нефт база унитар корхонаси жамоасининг ишларига омад талаб қолаимиз.

Ханифа ШАМИШЕВА,
Рўстам ЖАБОРОВА,

Сарҳисобда соврин олганлар

наларида давлат буюртмаси бўйича 226,6 минг ўрнига 246,6 минг тонна дон етказиб берилди. Тайёрланган доннинг 130 минг тоннаси уруғлик бўлиб, кузда мамлакатимиз далаларига екилди.

Пахтакорлар ҳам мавсумни баракали якунладилар. 316,7 минг тонна пахта хом ашёси ййигиб-териб олинди. Тайёрланган ҳосилнинг 85 фоизи юқори навга мос бўлди.

Ғаллакорларнинг меҳнатини баҳолашда давлат буюртмасидан ортган дон микдори ва ишловчиларга таксимоти мезон қилиб олинди. Бунда Избоскон тумани ва шу тумандаги А.Тиллабоев номли ҳамда Пахтаобод туманидаги “Андижон” ширкат ҳўжалиги ғаллакорлари ғолиб бўлдилар. Ғалла бош соврин – енгил автомобил қалитлари топширилди.

СУРУР

лигимиз бош совринга муносиб қўрилди. Ўзим етакчилик қилаётган пудрат жамоамиз ҳосилдорликини 50,3 центнерларга етказди. Бу режада кўзда тутилганга нисбатан 63,5 фоиздан кўп. Биз каби дехқонларнинг сафи кенгайиб бораётганига боис ютуқларимиз кўпаймоқда. Иктисодимиз кўтарилган сари эса биз – дехқонлар меҳнатининг қадр-қиммати ортапти.

Бундай дил сўзларини ҳосил байрамида иштирок этган хар бир дехқондан эшитиш мумкин бўлди. Вилоят марказида бошланган сарҳисоб ва рабатлантириш туманларда ва ширкат ҳўжалиқларида давом этмоқда.

Кобилжон АСКАРОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

“ЖИЗЗАХДОНМАҲСУЛОТ” ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2005 йил 19 январ соат 15.00 да жамиятнинг маъмурий биносиде акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий ййигилиши бўлиб ўтади.

Акциядорлар рўйхатининг ёпилиш санаси 2005 йил 3 январ.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Жиззахдонмаҳсулот” ОАЖ бошқарув раисининг ваколатини мўддатидан олдин тўхтатиш ва тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисида;
2. “Жиззахдонмаҳсулот” ОАЖ ижро органи раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи Р.Ф.Лутфуллаевни жамиятнинг бошқарув раиси этиб тайинлаш ва тегилиш ёллаш шартномасини тузиш тўғрисида;
3. Жамият Уставига ўзгартиришлар киришти, яъни “Жамиятнинг Қўзатув кенгаши таркибига “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси томонидан сайланадиган аъзолар Қўзатув кенгаши аъзолари умумий сонининг 26 фоизидан кам бўлмаслиги шарт”;
4. Жамият Уставига ўзгартиришлар киришти, яъни “Қўзатув кенгаши ваколатига қирадиган барча масалалар бўйича қарорлар Қўзатув кенгаши аъзоларининг ўртдан бу қисмига эғалик қилувчи кўпчилик овози билан қабул қилинади”;
5. Жамият Уставига ўзгартиришлар киришти, яъни “Ижро етвучи орган раҳбари ва унинг шайхсий таркиби акциядорларнинг умумий ййигилишида иштирок етвучи овоз берувчи акциядорларнинг тўртдан уч қисмига эғалик қилувчи акциядорларнинг кўпчилики

- овози билан қабул қилинади”;
6. Жамият Уставига ўзгартиришлар киришти, яъни “Корхона ва унинг филиаллари раҳбарлигига раҳбарлик ва касбий маҳоратга эга бўлган номзодлар “Ўздонмаҳсулот” АҚ, Давлат мўлқ қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги билан биргаликда мўқобилилик асосида танланади ва акциядор (таъсисчи)ларнинг умумий ййигилишида ёки Қўзатув кенгашларига тасдиқлаш учун тасвия этилади”;
7. “Жиззахдонмаҳсулот” ОАЖ Қўзатув кенгашининг янги таркибини сайлаш;
8. “Жиззах ун заводи” МЧЖнинг РАТБ “Ғалабабанк”дан олган 108863968 сўмлик марказлаштирилган кредитни “Жиззахдонмаҳсулот” ОАЖга қайта расмийлаштириш тўғрисида;

Кўн тартибидеги саволлар бўйича номзодлар ййигилишга ўн бир кўн қолгўнча жамият Жиззах Қўзатув кенгашига тақдим этилиши мумкин. Акциядорлар умумий ййигилишига тегушли маълумотлар билан Жамият маъмурий биносиде (Жиззах ш. Чўл қўчаси, 10) 2005 йил 15 январдан бошлаб танишишлари мумкин.

Умумий ййигилиш катнашчлари (вакиллари) паспортлари, юридик шахслар эса қўшимча равишда белгиланган тартибда ишончномалар билан келишлари сўралади ва уларни рўйхатга олиш Жамиятнинг маъмурий биносиде 2005 йил 19 январ кўни соат 13.00 да бошланади.
Қўзатув кенгаши



МАҲМУД АББОС ҒОЛИБ...МИ?

Якшанба кўни кечқурун Ғаластин Автономияси раҳбарлиги учун бўлган сайловларда Маҳмуд Аббос ғалаба қозонганлиги маълум қилинди.



Маҳмуд Аббос ўзининг ушбу муваффақиятини Ёсир Арофат ва бутун ғаластинликларга бағишлашини айтиб ўтган. Ҳозиргача бўлган маълумотларга кўра у 65 фоиз сайловчилар томонидан қўлаб-қувватлауган. Унинг энг асосий рақиби Мустафо Бўргутий эса 20 фоиз овоз билан чекланган. Ғаластин Марказий сайлов қўмитаси маълум қилишича, сайловларда рўйхатга олинган сайловчиларнинг 66 фоизи иштирок этган. Бу 1,3 миллион ғаластинлик маҳаллий аҳолини ташкил қилади. Шу билан бирга сайлов жараёнилари фақатгина мамлакат ҳудудига амалга оширилган. ХАМАС экстремистик ташкилоти раҳбари Хассан Юссуф эса сайловда 70 фоиз овоз рўйхатга олинганлиги ва Аббос ундан фақатгина 35 фоиз сайловчилар томонидан тан олинганлигини айтиб ўтган.

Сайловнинг расмий натижалари эса душанбакуни маълум бўлади ҳамда бир ҳафта ичиде номзодларнинг эътирозлари ўрганиб чиқилади.

ҲИНДИСТОНДА АВТОҲАЛОКАТ

Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, Ҳиндистоннинг йўловчилар билан тўла автобуси канал устидан ўтаётди қўлаб тушган.

Воқеа Карнатак штатининг пойтахти Бангалор шаҳридан 520 километр узоқликда жойлашган ҳудудда юз берди. Маҳаллий полиция ҳодимларининг маълумотларига кўра, автобусда 50 га яқин йўловчи бўлиб, улардан фақатгина уч нафари омон қолган.

Автоҳалокат содир бўлган жойда тежкор гуруҳ ҳодимлари тафсилотларни ўрганишни бошлашди.

ШИМОЛИЙ ЕВРОПАДА КУЧЛИ БЎРОН

Шимолий Европа давлатларида содир бўлган кучли бўрон оқибатида 14 киши ҳаётдан беватқ куз юмди.

Маълумотларга кўра, табиий офатнинг тезлиги соати-га 50 километрни ташкил қилган.

Шамол келтирган талафотлар ҳам катта бўлди. Жўмладан, Швециянинг 405 минг хонадони электр тармоғидан узилиб қолди. Мамлакатда жойлашган иккита омон қуввати билан ишлайдиган электр станцияси хавфсизлик мақсадида ўчириб қўйилди.

Буюк Британия, Дания ва Норвегия аҳолиси ҳам бундан мустасно қолишмади.

Болтйбўйи давлатларидан Латвия ҳўкумати маълум қилишича, мамлакатнинг 2,4 миллион халқи қоронғуда қолиб кетган.

Буюк британиялик метеорологларнинг таъкидлашича, бундай бўрон сўнгги 16 йил ичиде қўзатилмаган.

ИККИ МИЛЛИАРДЛИК ТАКЛИФ

Ҳиндистоннинг ONGC Videsh нефт компанияси Россиянинг “Юганскнефтьгаз” корхонасига тегушли 15 фоиз акцияларни икки миллиард долларгача сотиб олиш мумкинлигини маълум қилди, дея хабар беради мамлакатнинг Business Standard газетаси.

ONGC Videsh Ҳиндистон миллий нефт ва газ компанияси Oil & Natural Gas Corp. (ONGC) асосида тузилган бўлиб, у халқаро бозорда ўз мавқеини оширмоқчи.

Харидор компания бошқарувчилари Ҳиндистон ҳўкуматига ўз таклифларини маълум қилишган. Лекин мамлакат нефт ва табиий газ вазирлиги ушбу масала бугун қўриб чиқилишини таъкидлаган.

Бундан ташқари, ONGC Videsh компанияси ҳўжайинлари ушбу олди-сотдида баъзи бир ҳўқуқий муаммолар бўлиши мумкинлигидан ҳам хавфсирашмоқда.

Сал олдинроқ эса Россия ишлаб чиқариш ва энергетика вазирин Виктор Христенко “Юганскнефтьгаз”нинг 20 фоиз акцияларига Хитойнинг China National Petroleum Company (CNPC) ҳам даъвогарлик қилаётганини айтиб ўтганди.

ЧЕККАНГА ЖАРИМА

Италиянинг бир қатор кафе, бар ва ресторанилари ҳўжайинлари душанба кўнидан ўзларига тегушли бўлган ҳудудларда тамаки маҳсулотларини чекишни тақиқлаб қўйишди.

2002 йилда қабул қилинган ва шу йилнинг 10 январиде қўчга қирган қўнунга кўра агар аҳоли умумий овқатланадиган жойда бирон киши чекса, унинг ҳўжайини икки минг евро жарима тўлайди. Қашанданинг ўзи эса 275 евросидан маҳрум бўлади.

Норасмий маълумотларга кўра, ҳозир мамлакатнинг 58 миллионлик аҳолисидан ўн олти миллионга яқини мўнтазам чекувчи ҳисобланади. 2005 йил 10 январдан эса улар фақат уйлари ва аҳоли ҳам жойларда чекетишлари мумкин. Шўнга қарамай ушбу қўнунга қаршилликлар ҳам урраб турибди. Мисол учун Италия қуроли қўнлар вазирин маҳаллий газеталардан бирида ушбу қўнунга ўз муносабатини қўйидагича изҳор қилган: “Мен 18 йилдан буён чекаман ва бу меннинг шахсий ҳўқуқим”.

SPORT OLAMIDA

"ПАХТАКОР" МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Шанба кунин Тошкентнинг "Пахтакор" клуби Бирлашган Араб Амирликларидagi ўзининг учинчи нозорат учрашувини ўтказди. Россия чемпионати ўшбу мавсумдаги бронза медални соҳибига "Крылья Советов" билан куч синашган вакилларимиз 4:1 ҳисобида имкониятини бой берди.



ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Академик лицейлар ва коллежлар ўртасида ўтказилиб келинган анъанавий "Баркамол авлод" мусобақалари Республика босқичига бу йил Тошкент вилояти мезбонлиги қилади.

"Баркамол авлод" бахсларида талаба спортчилар спортнинг 15-турида ўз омадларини синаб кўришди. Унда эса 300 мингга яқин спортчилар ва мураббийлар иштирок этиши кўтилмоқда. Мусобақаларни юқори савияда ўтказиш учун Республика ташкилий ишлар қўмитаси тайёргарлик ишларига асосий эътиборни қаратган.

Хозиргача Газалкент, Чирчиқ, Янгйўл уйингоҳларида таъмирлаш ишлари аяқланиди. Бахсларнинг биринчи босқичида Тошкент вилоятидан 120 минг иштирокчи қатнашди. Қолиб қолган спортчилар эса иккинчи босқичида ўз омадларини синаб кўришмоқда.

25 январдан 1 апрелгача эса учинчи босқич бахслари аяқланиди ва вилоят терма жамоаси аъзолари номи маълум бўлади.

ҒАЛАТИ ФИКР, ЛЕКИН ҚИЗИҚАРЛИ

Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) президенти Йозеф Блаттер замонавий футбол қондаларига бир қатор ўзгаришлар киритиш илжинида юрибди.

69 ёшли рақбарнинг сўзлари-га кўра, хозирги миллионлар ўйинида "ўйиндан ташқари ҳолат" масаласини қайта ўрганиш чикилиши лозим. Ўйини, "пасовив ўйиндан ташқари ҳолат" футболда шарт эмас", деб ҳисобламоқда.

Ўйиндан ташқари ҳолат факатгина тўп қабул қилуватган футболчи рақиблардан дароза чизинида яқинроқ турган бўлса, ҳисобланиши чикерек. Шундагина учрашувларда тез-тез учраб тураётган бахсларнинг олдинчи олиши мумкин бўлади. Шу билан бирга, ўзининг ўшбу оқсотларини ҳеч бўлмаса 2011 йилда амалга оширмоқчи.

Бундан ташқари, Блаттер жаноблари ФИФАни ҳам худди шу мўддатга қадар бошқаришни кўзалб турибди. Бунинг учун эса 2006 йилги Германия айл майдонларида ўтадиган Жаҳон чемпионатини кўнгилдагидек ўтказиб олиш ҳамда соғлигини жойида сақлаш керак бўлади. Ушанда Блаттер ўзининг номзодини учинчи бор тўрт йиллик мўддатга кўйса бўлади. Унинг қонидга ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги тақлифлари айниқса футбол мухлислариға мўйдек ёқиб тургани шубҳасиз. Ахир ким ҳам ўйингоҳдан қўллаб қоллар гувоҳлигида чикиб кетишни хоҳламайди, дейсиз.

СПОРТЧИЛАР ҲАМ БЕЪЭТИБОР ЭМАС

Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида содир бўлган табиий офат бутун дунё халқлари ёдида абдий муҳлати қолиши шубҳасиз. Хозирда дунё ҳамжамияти ёрдам берайтган мажмуа қутилмаган ҳодисаға машҳур спортчилар ҳам имкон қадар кўмак беришға ҳаракат қилишмоқда.

Жумладан, "Формула-1" пойғалари бўйича етти қарра жаҳон чемпиони германиялик спортчи Михаэл Шумахер табиий офатдан зарар кўрганларға ўз бисотидан 10 миллион АҚШ долларини ўтказиб беришға қарор қилди. Бу ҳақда спортчининг менежери Вилли Вебер Reuters ахборот агентлигига ҳабар қилган. Бундан ташқари, немис телевидениелари томонидан ўтказилган хайрия марафонидан ҳам 34 миллион евро қутқариш ишлари фондиға қўшилган.

Спортчининг ўзи эса бу қилган тадбирини қуйидагича изоҳлади: "Бундай микдордаги инсонлар қурбон бўлиши бу - дахшатнинг ўзи. Бунга эса эътиборсиз қараб бўлмайди. Биз ҳам улар билан тенгма-тенг қайғуришимиз керак".

Шумахердан ташқари ана бир қатор спорт юлдузлари: Трейси МакГрейди, Коби Брайант, Жермейн О'Нил, Боб Сур, Жален Роуз, По Газоль ва Майк Миллерлар мана ҳафта давомида НБА бахсларида иштирокчилари мобайнида ҳар бир ҳамгардан очкоси эвазига 1000 АҚШ долларидан ёрдам беришларини ОАВ орқали маълум қилишган.

Теннис оламининг энг ёш ва ёрқин юлдузи Мария Шарапова эса Тайландда хайрия учрашуви ўтказди. Бундан тушган 10 минг АҚШ долларини эса у жабрланганларға табиий ёрдам кўрсатиш фондиға ҳада қилди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёради.

Мурувватдан туғилган шаҳар

"Меҳр ва мурувват йили"да мамлакатимизда шу йўналишда баҳарилган хайри ишларнинг салмоғи беқийс, саноғи чексиз.

Қанчадан-қанча диллари ўқик қалбларнинг кўнгида гул унди. Моддий ва маънавий ёрдамға муҳтожларға баҳоли-қудрат ёрдам берилди. Ҳимматли одамлардан миннатсиз саховатпешаликни, меҳри дарё кишилардан мушфиқ кўнгилларға қандай нур бағишлашни ўргандик.

Ўтган йили Жиззах вилоятида ҳам "Меҳр ва мурувват йили" Дастури ихроси бўйича жуда катта ишлар қилинди. Ёрдамға муҳтож бирор бир инсон имкон қадар ҳисабда эътибордан четда қолмаслиқға ҳаракат қилинди.

Келинг, аниқ рақамларға мурожаат қилайлик. Икки ва ундан ортқ ногирон бор 2653 хонадонға 3265 минг сўм, ёлғиз қаришларға 4400 минг сўм, 1256 кам таъминланган кўп болали оилаларға 9,8 миллион сўм, жами ўта муҳтож ва кам таъминланган оилаларға 1 миллиард 890,1 миллион сўмлик мурувват кўрсатилди. Энг асосийси, Жиззахда кўпчиликка ўрнак қилиб кўрсатилди мурувватли ва хайрли бир иш қилинди.

Яъни, Жиззах шаҳрида "Меҳр ва мурувват йили"дан мангу хотира бўлиб қоладиган Меҳр-мурувват шаҳарчаси қурилиб, ишға туширилди.

Ўшбу шаҳарчада боқувчисини йўқотганлар, чин етимлар ва кўзи оғизлар

учун турар-жой қоттежлари, мактаб-интернат, табиий, майиш, махсус алоқа хизмати шахобчалари, махсус спорт иншооти, қариялар учун "Мулоқот уйи" ва бошқа ҳаётий зарурат учун керакли объектлар мажмуаси ташкил этилди.

–Кўрсатилган бу мурувватдан бошимиз кўкка етди, – дейди Жиззах вилояти кўзи оғизлар жамияти раисаси Санобар Эргашева. – Бундай эътибор ва кўрсатилган яхшиликни ҳеч қачон қурмаган эдик. Қилинган бу ишлар билан кўрми маънавий руҳлантирди, моддий юксалтирди. Биз ҳам жамиятда ҳеч ким-

ЯХШИЛИК

дан кам эмаслигимизни кўрсатувчи чин маънодаги мурувват бўлди.

Шаҳарчадаги 56 та ҳамма қулайликларға эга хонадонлар кўзи оғиз фуқароларға ажратилди. Бу ёрдаги махсус интернат-мактабда вилоятдаги 200 нафардан ортқ кўзи оғиз болалар ўқийди.

Шаҳарча қурилишини маблаг билан таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг қарори билан маҳаллий бюджетдан 300 миллион сўм, хашарлардан тушган маблагдан 40 миллион сўм ажратилди. Бугунги кунда шаҳарчадаги кўзи оғизлар жамияти қоронхонасиға Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг иш билан таъминлашға қўмаклашиш давлат жам-

армаси томонидан 15 миллион сўм имтиёзли кредит маблаг ажратилди. Хозиргача қоронхона 10 та янги тикув машинаси, 20 та трансформатор лентатикув дастгоҳи келтирилди. 12 та матрац, 20 та кўрпа тикув дастгоҳи тайёрланди. Яна ишчи ўринлари сонини 100 таға етказиш мақсадида картон ишлаб чиқариш цехини ҳам ишға тушириш ишлари олиб борилмоқда.

–Мен шундай уйда яшашни доимо орзу қилардим, – дейди шаҳарчада истикомат қилувчи Яша Датченко. – Лекин орзуим ушалишға ҳеч қачон ишонмаганман. Мана, кўриб турибсиз, туш эмас ҳақиқат. Бу ёрда ҳамма нарса муҳайё. Фақат яйраб, бахтли яшаш керак, холос.

–Ўртбошимизға миннатдорчилигимиз чексиз. Ўтган йили "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиб, бизға ўшаган қанчадан-қанча инсонларға мурувват кўрсатилишиға сабабчи бўлдилар. Яшаимиз учун уй, ишлашимиз учун имкон бисёр. Шундай шаҳарчалар бошқа вилоятларда ҳам қуриلسа, бизға ўшаган кўнгли ўқикларнинг бағри бутун бўлар эди.

Жиззахдаги Меҳр ва мурувват шаҳарчаси инсонларнинг бир-бириға кўрсатган оқибатининг ёрқин тимсоли сифатида 2004 йилдан эсдалик бўлиб қолажак.

Абдураззоқ КАРИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Об-ҳаво

Республика Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, 11 январ кунин Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-4, кундузи 8-10 даража илқ бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, гарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади. Тошкент, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1 даража совуқ билан 4 даража илқ, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди, айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1 даража совуқ билан 4 даража илқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди, айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1 даража совуқ билан 4 даража илқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

Мен бу кишини мактабда ўқиб юрган пайтларидан биламан. Уша кезлардаёқ қалами қайрилиб, кўпчиликка танилиб қолган ёш, умидли қаламқаш эди. "Номоз Саъдуллаев" дейишса, "Ха, у муҳбир йигит-ку", деб қўйишарди.

Дарҳақиқат, Номоз Саъдуллаев журналист сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам элнинг кўз олдида шаклланди. Нурота тоғлари бағрида ота-

Хозир "Ўзбекистон овози" тахририятида ишламоқда. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист".

Номоз Саъдуллаев бадий ижод соҳасида ҳам баракали қалам тебратиб келмоқда. У "Дилқаш дўстлар даврасида", "Яйловларда ҳаёлим менинг", "Тошкент чинисини", "Хунар маскани", "Истикбол чечаклари", "Бир бор экан, пул бор экан", "Кичик бизнеснинг катта йўли" каби ўнлаб публи-

Қалби чашма сувидек тиниқ

си, акалари билан ёнма-ён мол боқиб, бугдой ўриб, машоқ териб воёға етган бо софидил, оққўнғил йигит қишлоқ мактабини тугатгандан кейин меҳнат фаолиятини Иштихон туман газетасида қурьёр-корректорликдан бошлади. Харбий хизматдан сўнг Университет сабоқларини ўтаб, асосан хозирги "Ўзбекистон овози" ва муайян мўддат "Халқ сўзи" газеталарида меҳнат қилди. Кичик адабий ҳодимликдан бош муҳаррир вазифасини баҳаруви лавозимига бўлган йўлни босиб ўтди.

Номоз ака ижодий фаолиятининг дастлабки онларида нок республикамиз халқ ҳўжалиги тармоқларининг турли жабҳаларидан ёзган тахлилий, муаммоли, публицистик мақола-лари, очерк-лари билан кенг жамоатчилик диққатини тортди. Хатто чет элларға сафари кезларида ҳам туркум мақолалар ёзди.

Номоз Саъдуллаев 1990 йилда ўн иккинчи қаҳирқў Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши (хозирги Олий Махлис) депутатлигиға сайланди. Депутатлик ваколати даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Халқаро ишлар ва Ошқоралик масалалари қўмиталари раиси ўринбосари бўлди.

Шундан сўнг у "Иқтисод ва ҳисобот", "Экономика и статистика", "Ҳуқуқ-Право-LAW" журналлариға бош муҳаррирлик қилди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА)нинг таржима тахририяти Бош муҳаррири ўринбосари лавозимларида хизмат қилди.



цистика ва очерклар ҳамда "Менинг сўзим, менинг овозим..." шеърый тўпламларининг муаллифи.

Номоз ака туғилиб ўсган Охчоб қишлоғида худди Нурота чашмасидек шифобахш, муқаддас бир чашма бор. Унинг сувидадан баҳраманд бўлиш учун одамлар узок-узоклардан атай кели-

шади. Номоз аканинг оққўнғиллигини Нурота тоғларининг қорига, самимиятини эса ўша Охчобдаги муқаддас булоқ сувиға ўхшасак мўбалаға бўлмайди. Зеро, унинг кирқ йилдан зиёд ижодий фаолияти, дўстлар, ҳамкасблар, шоғирдлар билан муносабати эл ичра қозонган ҳурмат-эътибори ана шундай дейишға тўла асос беради.

Номоз ака бугун қутлғў ёш остонасиға қадам қўйди. Лекин қўрган одам уни ҳамон қирқиллаган йигит дейди. Вужуди куч-ғайратта, қалби ижодий жўшқинликка тўла. Ана шу ғайрат ва жўшқинлик уни ҳеч қачон тарқатмасин.

Ҳабиб ТЕМИРОВ

Голландиянинг бухоролик келини

(Боси 1-бетда)

–Женефер қизимиз билан дўстлашиб қолганди, – дея эслайди Қаҳрамон ака. – У ҳар ҳафта шанба, якшанба кўнлари хонадонимизда меҳмон бўларди. Уни қўргани Голландиядан келган акалари, ёр-бирдорларини ҳам, уйимизға тақлиф этиб, урф-одатимизға кўра ҳурматларини жойиға қўяди.

Бу орада билимли, зукко, изланувчан талаба сифатида эътиборға тушган Шоирахон ўзаро ҳамкорлик доирасида Голландия томони ўтказган танловда муваффақиятли катнашиб, шу давлатнинг Бреда шаҳрида жойлашган халқаро университетта иқтисод ва туризм йўналиши бўйича талабалikka қабул қилинди. Фарзандларининг ютуғидан қувонган Қаҳрамон ака билан Ҳурилик ая унга оқ йўл тиладилар. Зеро, уларнинг бир нарсадан кўнгиллари тўқ эди. Женефер ва унинг қариндошлари хат, телефон орқали Жабборовлар хонадонидан хол-аҳвол сўраб туришар. Ўртадаги илқ муносабатлар дўстлиқка айлиб улгурган эди. Бинобарин, улар бор экан, Голландияда ўқитган Шоирадан ҳавотири олишға асос йўқ.

–Ушанда 2003 йилнинг 12 майи эди, – дея ҳикоясини давом эттиради Қаҳрамон ака. – Женефернинг қариндошларидан бири - Микки хонимикки меҳмон бўлиб бордик. Бу аёл 67 ёшда бўлиб, Ролан ва Артур исмли ўғиллари бор. Турмуш ўртоғи 1997 йилда қаза қилганини қизимдан аввал эшитган эдим. Қизимға кўп меҳрибонлик қилган Микки хоним меҳмон келганидан бениҳоя хурсанд эканлигини айтиб, "Мабоодо, эрим ҳаёт бўлганида, у ҳам хурсанд бўларди, албатта", дея бироз кўз ёши ҳам қилиб олди.

Хол-аҳвол сўрашган, Бухородан олиб борган совгамни узатиб, гиламни очганимизға қадар кўзини беркитиб туришини сўрадим. Бир лаҳзадан сўнг гиламдаги суратни кўриб, у хайратдан ёқа ушлади. Оғзини очган кўйи ўз тилида нималардир деди. Ўғли Ролан ҳам бежирим гиламдаги суратға боқиб лол қотди...

Қаҳрамон аканинг Голландия шаҳар ва қишлоқларини томоша қилиб, жуда катта таассурот олгани ҳақида тўхталмоқчи эмас-

миз. Аммо қизи Шоирахон билан Роланнинг бир кунин "Ота, биз бир-биримизға кўнги қўйганмиз. Сизнинг розилигиниз керак", дейишлари Қаҳрамон ака учун қутилмаган ҳол бўлди.

Отаҳон йилар гирдобиди қолди. "Одамларни кўрдим. Ҳаммаси хушфел, одамхон, кўнгли тоза. Лекин Голландия дегани дунёнинг нариги бир чеккасида. Ҳафта-ун кунда кўришим, дийдорлашим имкони йўқ. Бўёғи қандоқ бўларкин?..." Ана шуларни уйлаган Қаҳрамон ака Шоираға "Ризолиқни онандан сўраганинг маъқул эмасми, қизим. Ахир, у сени оқ қовиб, оқ тараб воёға етказди. Қолаверса, бу ер Бухородан жуда олисда бўлса..." деди ёшиға мос босиқлик билан.

–Онам розилигини олиш сиздан, отаҳон, – деди Шоира. – Қўни-қўшини ёки бир маҳаллада турмуви йигити турмушға чикиб ажралишган ёки бахтсиз яшаётган қизлар ози?!" Йўлнинг узоклигиға келсак... ўртада меҳр-оқибат, муҳаббат, инсонийлик бор экан, йўлнинг олислиғи унутилди.

Ролан ҳам гап мана ҳақида бораётганини англаган қаб Қаҳрамон акаға ўзларининг ахдлари қатъий эканини айтишға чоғланди... Қаҳрамон ака шу тариқа Голландия сафаридан бир олам таассурот-у ўй-фикрлар қуршовида қайтди. Турмуш ўртоғи Ҳурилик опаға икки ёшининг аҳду-паймониғни ётиги билан айтиб, охир-оқибат унинг ҳам розилигини олди. Бу орада ўзаро мақтўб ёзишлар, кўнгирик орқали маслаҳатлашувлар билан кўнлар, ҳафталар ортда қолди. Бу 2004 йилнинг баҳорида Бухорода голланд йигити Ролан билан Шоирахоннинг ширингина қоли тўли бўлиб ўтди.

Ўз юртида тахсил олган Ролан хозир севимли касби – архитекторлик билан машғул. Шоирахон университетда ўқиниш давом эттирапти. Бухоро шаҳрида яшовчи Жабборовлар хонадониди эса деярли қунора олис Голландиядан кўнгирик бўлади. "Ўзлари олисда бўлса-да, юрагиниға яқин кишиларнинг овозини эшитиш бошқача тўлоар экан, – дейди Қаҳрамон ака. – Илоҳим, ёшлар ували-жували бўлишсин".

Отаҳоннинг бу эзгу тилақлариға биз ҳам қўшилдик.

Истам ИБРОХИМОВ

Газетамизнинг навбатдаги сони 14 январ, жума кунин чикади.

ООО "ЎЗГАРИШАГРОМАШСЕРВИС"

МТП

объявляет о проведении общего собрания Учредителей ООО "Узгарিশагро-машсервис" МТП, которое состоится 8 февраля 2005 года по адресу: г.Ташкент, ул.К.Шарипова, 5

Административное здание ООО "Узгарিশагро-машсервис" МТП

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. О рассмотрении письма Госкомимущества о выкупе доли, принадлежащей Государству;

2. О внесении изменения в раздел – 8, пункт – 8.1., в раздел – 13, пункт – 13.1 Устав в связи с принятием участников – учредителей, подавших заявление до 26 ноября 2004 год;

3. Внесение изменения в раздел – 2, раздел – 3, пункт 3.2. Учредительного Договора ООО "Узгарিশагро-машсервис" МТП в связи с изменением состава учредителей.

4. Принятие учредителей в состав ООО "Узгарিশагро-машсервис" МТП, подавших заявление до 26 ноября 2004 года;

Начало регистрации 9.00 часов, начало собрания в 10.00 часов.

При себе иметь паспорт или другое удостоверение личности.

При неявке учредителя на собрание без уважительных причин будут приняты меры согласно пункта 14.2 Устава ООО.

Наблюдательный Совет

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан 2004 йил 29 мартда "Фархуш Муниса-сервис" хусусий фирмасига берилган тамаки маҳсулотлари сотиш ҳуқуқи қайд этилган № 163 т/т ОС 1729 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ахборот-технология университети томонидан Асатуллаев Фуркат Қаҳрамоновичга берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

2003 йил 15 октябрда Тен Гера Николаевич номига берилган № 1422 рақамли далолатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкентдаги 117-мактаб томонидан 1998 йил 20 июлда Валибоева Моҳира Эшмирзаевна номига берилган 9 синфин тугатганлик – таъна маълумот тўғрисидаги О'Р-Д № 463242 рақамли гувоҳнома-шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утеранный гос.ордер № 11-01/1115 от 13.01.1993 г. права собственности А.В.Авакяни на квартиру, считать недействительным.

Утеранный гос.ордер № 04-21/1174 от 2.03.1993 г. права собственности Селевановой Ольги Алексеевны на квартиру, считать недействительным.

Тошкент политехника институты томонидан 1986 йили Раджабов Садулла Егамбергенович номига берилган НВ №904371 (руйхат рақами №3497-3) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир ЎТҚИР РАҲМАТ	ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Озод ШАРОФИДИНОВ, Агитай АДИЛОВ, Комилжон МАМА-ЖОНОВ, Суннат САЙДИЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Гафур ШЕРМУХАММАД.	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83 (факс): 133-09-93. (факс): 133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб- 133-95-17, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.	ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-365-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган – 8-369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.	Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-54-44, 136-58-83.	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар: Навбатчи: С.РАХМОНОВ.			
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.				Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чикади	Буюртма F-019, ҳажми 2 босма табоқ.	Офсет усулида босилди, қозғи бити А-2.	Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади -12460	Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва сахифаланди.	"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.	2 3 4 5 6